

ЎЛКА МАОРИФ КОМИССАРИАТИ ТАРАФИДАН:

Мусулмон мактабларида дин дарслари

Ўткан 1918 йил 4 ноябрда Маориф комиссариати тарафиндан чиқарилгон 38 рақамли буйруқнинг 6-моддасинда мусулмон мактабларида дин дарслари ўқитмок тўғрисида тубандаги сўзлар ёзилгон эди:

«Мусулмон халқи ўртасиндаги тараккиётнинг озлигин ва унлар орасиндаги таассуб ва қоралиқларни эътиборга олиб, дин дарслари тўғрисида мусулмон мактабларига истисно қилинур, ҳам мусулмон мактабларидан шогирдларига (имомлар тарафиндан ўқитилмок шарти ила) таҳорат ва шунга ўхшаш муҳимрок хавойижи динияларин ўргатмакка муаллимларга ихтиёр берилди».

Бутун Туркистон жумҳуриятиндаги ерлик мактабларда дин дарсларини ўқитув ва мактабда ибодатлар қилдирув манъ қилингон ҳолда, ёлгуз мусулмонлар учун истисно тариқида дин дарсларини бермокга рухсат этилур, чиқорилгон мазкур буйруқ ё халқ орасига тамом тарқалмаган ва ёхуд тарқалган бўлса ҳам, мухтасар бўлгонлиги учун мазмуни яхши англашилмагон. Биноаналайх, халқ орасинда ерлик мактабларга муҳаббат ва рағбат ўрнига нафрат пайдо бўлиб, гўё ерлик мактабларда дин дарслари ўқитилмайдир, шубҳасила кўп кишилар болаларини олиб, эски мактабларга бергонликлари ва баъзи ўринларда ерлик мактабларни очмокка халқнинг мамониъат кўрсатганлиги ва болаларин мактабларга бермагонликлари эшитиладур. Холбуки, юқорида ёзилгон буйруқ мусулмон мактабларинда дин дарслари ўқутмокка қомил ихтиёр берадур. Мисола, буйруқда «Таҳорат ва шунга ўхшаш муҳимрок хавойижи динияларин» дейилганки, муҳимрок хавойижи диния орасина намоз, рўза, ҳаж, закот, эътикодот, ахлоқ ва одоб мамошират ва мукамал суратда Қуръони қарим ва шунларга ўхшаш заруриёти диниянинг ҳар бири қерақдур. Буйруқда манъ қилинган бир нарсая бор бўлса, ул ҳам имомлар томонидан ўқитилмогидур. Холбуки, Россия мактабларида дин дарсларин ҳар вақт пўплар юриб ўқитганлар. Мусулмон мактабларида эса дин дарсларин шул вақтгача имомлар юриб ўқитмасдан, фақат мактаб муаллимларининг ўзлари ўқитгонлар, шул сабабли ул шарт мусулмон мактабларида дин дарсларини

мукаммал суратда ўқитмокка ҳеч бир ҳалал келтирмайдир. Ибодат масаласига келгонда, мусулмонлар учун ҳар ерда муъбад ва масжиддир. Мусулмон болаларин ибодатдин ҳеч ким манъ килгони йўқ, улар тилаган ўринларида муаллимлари бошлик тилаганларича ибодат кила билурлар. Мусулмон мактабларида дин дарслари ўқитмок тўғрисидаги буйрукни бу тарика тафсил бермак ила буни ҳам илова килинурки, ерлик мактабларида дин дарслари ўқитмок учун муаллимларга комил ихтиёр берилган.

Бу ихтиёрдин фойдаланиб, ҳар бир муаллим ўзининг дарс жадвалига лоакал ҳафтада уч-тўрт соат дин дарслари киритуб (бошка фанларнинг соатига зарар еткурмаслик шарти ила), ул соатларни ибодат, эътиқодиёт, Куръон ва ахлоқ каби қисмларга бўлиб ўқитмокка виждонан мажбур ўлса керак. Хозиргача баъзи мактабларда дин дарслари берилмас экан, иш ҳукумат нуксонидан эмас, балки муаллимларнинг нуксонлари ва буйрукдан ҳабарсизликларидан. Бу хусусда қўл остиларидаги муаллимларга тегишли буйрук ва маълумотни бермок ва дин дарслари учун муфассал програмлар тузиб эълон этмак маҳаллий маориф шўъбалари ҳузуридаги турк шўъбаларининг вазифаларидир. Эски мактабларга келсак, уларда на илм-билим бор ва на дин бор. Балки ёш болаларнинг руҳоний ва ҳам жисмоний жихатдан ҳароб этилиб ётган танбалхоналардир. Биноаналайх, ундай зарарли мактаблари етарлик ёки мактаблар очилгон ҳар бир ўринда ёпар. Даромадларнинг текисроқларини ижтимоий таъминотга ёзиб, маишатларин ундан таъмин этдирмок, ёшроқларин таълим ва тарбия курсларида бир оз ўқитиб, янги мактабларга муаллим ўларок ўрнаштирмак лозимдур.

Аммо ёлғиз Куръони қаримни ҳифз этдирмок мақсади ила давом этуб тургон қорихоналар (бошларида муктадир қорилар турмок шартила) ёйилмасдан, аввалги ҳолларида давом этмаклари мумкиндур.

Ўлка Маориф комиссари: **Мухаммадамин Афандизода**

Турк шўъбаси мудир: **Мунаввар кори**

«Иштирокиюн» газетаси, 1919 йил, 28 апрел